КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ БИЗНЕС МУҲИТИНИ ЯРАТИШ

Ш.ЗОКИРОВ, Ш.АХМЕДОВА

В этой статье рассматривается вопросы создания благоприятных условий для развития малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане. Изучен опыт Германии по поддержке малых и частных предприятий.

This article includes the questions of making favorable conditions for the development of small business and privet enterprise in Uzbekistan. The experience of Germany on supporting the small and private enterprises has been studied.

Мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бунда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида белгилаб олинган ва изчил равишда амалга оширилаётган улкан вазифалар мустаҳкам замин яратмоқда.

Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози салбий оқибатларини бартараф этиш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг республикамиз иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳоли даромадлари таркибида кичик бизнес фаолиятидан олинган даромадлар улуши ортиб бориши режалаштирилган ва бу борада ҳукумат томонидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиши кичик бизнеснинг жадал ривожланишига олиб келди. Бу борада мамлакат Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган кичик бизнесни ривожлантиришнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда Президент И.А.Каримов асарларида олға сурилган дастурий йўналишлар ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлиб, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг тамал тоши, эришилаётган муваффақиятлар гаровидир.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкнинг мухофазаси ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1994 йил 21 январдаги, “Тадбиркорликни, кичик бизнесни ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1995 йил 9 январдаги ва “Хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш тўғрисида”ги 1998 йил 9 апрел даги фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган “Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолияти кафолотлари тўғрисида”ги Қонунлар тадбиркорларнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлади ва уларнинг фаолият доирасини рағбатлантирувчи ишончли кафолатни юзага келтирди.

Кичик бизнес корхоналари қуйидагича ташкил қилиниши мумкин:

- фуқаролар, оила аъзолари ва бошқа шахслар томонидан;
- давлат, ижара, жамоа, қўшма корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари, хўжалик ассоциациялари ва бошқалар томонидан;
- жамоат ташкилотлари томонидан;
- айтиб ўтилган идораларнинг ҳамкорлиги асосида;
- мулк эгасининг розилиги билан жамоа ташаббуси бўйича амалдаги корхоналар таркибидан ажралиб чиқиши натижасида.

Бундан ташқари, кичик бизнес корхоналар, бирлашмалар ва корхоналарнинг ташаббуси билан (монополияга қарши идоранинг қарори бўйича) мажбуран ташкил қилинишлари мумкин.

Юридик шахсни ташкил қилмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ҳам кичик ва хусусий тадбиркорликнинг субъектлари ҳисобланадилар.

Кичик бизнес корхоналари аввало халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш ва маиший хизматлар кўрсатиш учун ташкил қилинади. Аммо улар халқ хўжалигининг ҳар қандай соҳаларида ҳам ташкил қилиниши, мулкчиликнинг ҳар қандай шакллари асосида ҳаракат қилиши мумкин. Бир ёки бир нечта юридик ёки жисмоний шахслар кичик бизнес корхоналарининг таъсисчилари бўлиши мумкин.

Барқарор фаолият учун шароитлар яратиш мақсадларида кичик корхоналар уюшмалар, ассоца-

цияларга бирлашишлари, ҳар хил кооперативларининг таркибига киришлари мумкин.

Шундай қилиб, кичик корхоналар хўжалик юритувчи субьектнинг янги шаклидан иборат эмас. У бошқа корхоналардан фақат кўламлари билан фарқланади, холос.

XX асрнинг 80-йиларидан бошлаб иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда кичик бизнес иқтисодий ўсишнинг муҳим йўналишларини белгилай бошлади. Чунки иқтисодиётдаги кичик бизнес сектори иқтисодий тараққиётнинг барқарорлигини, инвестицияларни кенг кўламда жалб этишни таъминлайди, аҳолини доимий иш билан бандлигини кафолатлайди, бозор иқтисодиётининг ўзига хос «инжиқликлари»га мослашувини осонлаштиради, мулк ва бошқарувни ўзаро уйғунлаштиради ва шу орқали тадбиркорлик ташаббусига кенг йўл очади. Натижада, кичик бизнес иқтисодий ривожланган мамлакатларда иқтисодиётнинг тармоқ таркиби такомиллашувига, маҳсулот ҳажмининг кўпайиши ва сифатининг яхшиланишига олиб келмоқда. Унинг ялпи миллий маҳсулотдаги ҳиссаси эса 60-70 фоизни ташкил этмоқда.

Япония иқтисодиётидаги «япон мўъжиза»си ҳаммага маълум. Японияниng фақат ишлов берувчи саноатида 6,5 миллион кичик бизнес корхоналари бўлиб, мавжуд корхоналарнинг 99,0 фоизини ташкил этади. Кичик ва ўрта корхоналарда жами ишчиларнинг 81 фоизи ёки 40,0 миллион киши банд.

Америка Қўшма Штатларида эса кичик бизнес ҳиссасига 60 фоиз хизматлар, 50,0 фоиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва деярли шунча илмий ишланмалар ва «янги ғоя»лар тўғри келади. Кичик бизнес тизимида 100 миллиондан ортиқ аҳоли банд.

Юқори суръатлар билан ривожланаётган Хитойда 30 млн.дан зиёд кичик бизнес субъектлари фаолият юритмоқда.

Ўзбекистонда ҳам бозор иқтисодиёти ва бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида кичик бизнес иқтисодий ўсиш, барқарорлик ва тараққиёт омили бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасида 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида”ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига (1998 йил 9 апрель) мувофиқ кичик бизнес тизимига қарашли корхоналар қуйидаги тармоқлар ва соҳаларга мансуб:

1. Саноат, қурилиш ва транспорт.
2. Қишлоқ хўжалиги.
3. Улгуржи ва чакана савдо.
4. Хизмат кўрсатиш ва “сервис”.
5. Фан ва илмий хизмат.

Ҳозирги вақтда хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни жадал ривожлантириш асосида мулкдорлар синфини шакллантириш, тегишли институтлар тизимини ташкил этиш, кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолияти соҳасига кредит ресурсларни кенг жалб қилиш ва хорижий сармояларни бевосита олиб кириш учун мақбул шарт-шароит яратиш мақсадида мулк шаклидан қатъи назар кичик бизнес субъектлари қуйидагича белгиланади:

- микрофирмалар – ишлаб чиқариш соҳаларида банд бўлганлар сони йилига ўртача 10 нафаргача, савдо, хизмат кўрсатиш ва бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда 5 нафаргача;
- кичик корхоналар - ишлаб чиқариш соҳаларида банд бўлганлар сони йиллик ўрта хисобда 40 нафаргача, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида 20 нафаргача, илм-фан, илмий хизмат кўрсатиш, чакана савдо ҳамда бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда 10 нафаргача;
- ўрта корхоналар – кичик корхоналар учун йилига белгиланган дан ортиқ бўлиб, ишлаб чиқариш соҳаларида банд бўлганлар сони йилига ўртача 10 нафаргача, қурилишда 50 нафаргача, қишлоқ хўжалигида ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида, улгуржи савдода 30 нафаргача, чакана савдо, хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда 20 нафаргача ходимга эга корхоналардир.

2008 йилда бошланган ва 2009 йилда жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатган глобал молиявий-иқтисодий инқироз салбий таъсир оқибатларининг олдини олиш турли даражалардаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни амалга оширишда ўзига хос изчилликни, хатти-ҳаракатларнинг ҳар томонлама ўйланганлиги ва асосланганлигини, туб ислоҳотларни амалга оширишнинг босичма-босқичлигини, режа ва мақсадларга томон ҳаракатдаги собитқадамликни тақозо этади. Мамлакатимизда чуқурлашган жаҳон молиявий инқирози шароитида барқарор ўсиш суръатларининг сақланиб қолиши эса танланган мустақил тараққиёт йўлимиз ва унга мувофиқ амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатимизнинг нечоғлик тўғри эканлигини яна бир бор тасдиқламоқда.

Президентимиз И.Каримов шу йилнинг 29 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида маъруза қилди. Унда мамлакатни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилишнинг тўғри танланган стратегияси қабул қилингани, 2009-2012 йиллар-

га мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш борасида ўтган йилда куч ва имкониятларнинг сафарбар қилиниши туфайли глобал инқирознинг оқибатлари ва таҳдидларига нафақат бардош беришга, балки иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг барқарор суръатларини, халқ бардамлиги ва фаровонлигини оширишни таъминлашга муваффақ бўлинганлиги қайд этилди.

Маърузада 2009 йилда чуқурлашган жаҳон молиявий инқирози шароитида Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминланиши жаҳон ҳамжамиятида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг "ўзбек модели" сифатида эътироф этилган иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг бешта асосий тамойилига асосланган ва республикада иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлаш бўйича маслаҳат хизматлари танланган иқтисодий йўлнинг тўғрилигини инкор қилиб бўлмайдиган яна бир бор исботи эканлиги алоҳида таъкидланди.

Шу қаторда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ҳам барқарор ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга оид дастурларни амалга ошириш натижасида ўтган йилда 37 мингдан ортиқ янги кичик бизнес субъектлари, 119,6 мингта якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Шунингдек, таркибий ўзгартирилаётган монополист-корхоналарнинг фойданилмаётган қувватларида 130 та турли мулкчилик шаклларига асосланган янги кичик корхоналар ташкил этилиб, уларда 7,5 мингга яқин иш ўринлари яратилди. 83 та банкрот корхоналар негизида 92 янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, уларда 9,8 мингта иш ўринлари яратилди.

Кичик бизнесни ривожлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижаси қуйидагилар орқали намоён бўлади:

- кичик бизнеснинг мамлакатимиз ЯИМдаги улуши 2009 йилда 50,1 фоизга етганлиги;

- иш билан банд ходимлар пул даромадларининг 70 фоизи айнан кичик бизнес соҳасида шаклланаётганлиги;

- кичик бизнес корхоналарининг мамлакат экспортидаги улуши 2009 йилда 14,3 фоизга етганлиги ва ҳ.к.

Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларни кредитлаш ҳажмининг ошиши соҳани ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. 2009 йилда саноат соҳасида фаолият юритаётган кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 8 фоиздан 7 фоизга туширилиши натижасида 23,6 млрд. сўм миқдоридаги маблағ мазкур корхоналар ихтиёрида қолдирилди.

Шу йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 1 трлн. 850 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди. Бу 2001 йилгига нисбатан қарийиб 11 марта, 2005 йилдагига нисбатан 4 марта кўп.

Инқирозга қарши чоралар дастурида кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай бизнес муҳитини яратиш мақсадида институционал ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни ҳам ўз ичига олади.

Шу мақсадда янги ташкил этилаётган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлашнинг ривожланган мамлакатлардан Германия Федератив республикаси тажрибаси ўрганилди. Кичик бизнес субъектлари фаолиятига ёрдам кўрсатаётган Германия Техник Ҳамкорлик Жамияти (GTZ) тажрибаси ўрганилди. Бу ташкилот 1975 йили ташкил этилган бўлиб, федерал ташкилот ҳисобланади. Штаб квартираси Франкфурт-Майн шаҳри атрофида, Эшборн шаҳрида жойлашган. Унинг асосий таъсисчиси Германия иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш федерал вазирлиги (BMZ) ҳисобланади.

GTZ жамияти 120 дан ортиқ Ўртаер денгизи, Ўрта Шарқ Европа, Кавказ ва марказий Осиё ҳудудларида жойлашган мамлакатларда фаолият юритмоқда. Унинг асосий мақсади аҳоли турмуш тарзини яхшилашга ёрдам беришдан иборат.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорлик дастури доирасида Германиянинг Иқтисодиётни ривожланишини қўллаб-қувватлаш МЧЖ (маъсулияти чекланган жамият)ларининг иш фаолияти билан танишиб чиқилди.

Иқтисодиётни ривожланишини қўллаб-қувватлаш МЧЖ ларнинг фаолияти билан танишиш давомида МЧЖ ларининг таъсисчилари, бюджети, иш фаолияти йўналишларига асосий эътибор қаратилди.

МЧЖнинг асосий мақсади кичик бизнес корхоналарига иш фаолиятини бошлаш учун қулай шарт шароитлар яратишга кўмак бериш. Бу фаолиятни қуйидагиларда кўришимиз мумкин:

- янги корхоналарни очишга кўмак бериш;
- янги иш ўринларини яратиш;
- саноат учун ажратилган ерларни сотиш;
- ҳудуд инфратузилмасини ривожлантиришга кўмак бериш;
- янги тузилаётган ва ишлаб турган корхоналарга маслаҳатлар бериш;
- лойиҳалар менежменти;
- доимий мижозлар базасини юритиш;

- корхона таъминоти;
- жойлашув ерларида маркетинг;
- ҳудудий менежмент;
- логистик фирмалар фаолияти;
- иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлаш бўйича маслаҳат хизматлари;
- технологиялар парки ташкил этиш;
- якка тадбиркорлар учун ахборот-маслаҳат марказини ташкил этиш.

Ўрганилган материаллар асосида кичик бизнесни бизнинг ҳудудда ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир деб ҳисоблаймиз:

- иш бошлаётган хусусий тадбиркорларга ва аввалдан фаолият кўрсатаётган корхоналарга маслаҳатлар бериш ва ёрдам кўрсатиш;
- инновацион лойиҳалар излаш ва ёрдам кўрсатиш;
- минтақада корхона ва муассасаларнинг ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш;
- минтақа корхоналарига ўз маҳсулотларини миллий ва халқаро бозорларга олиб чиқишда ёрдам кўрсатиш;
- маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, кичик корхоналар томонидан ички ва ташқи бозорда-рақобатбардош янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга ёрдам бериш;
- корхона ва ташкилотларга ахборот хизматлари кўрсатиш;
- минтақанинг ўзига жалб этувчанлигини ошириш орқали инновацион ва технологик йўналишдаги кичик ва ўрта бизнесни шакллантиришга кўмаклашиш;
- консалтинг хизматларни кўрсатиш.

Мана шу йўналишда хизмат кўрсатувчи субъект ташкил этиш ва унинг фаолиятини 2010 йил 26 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони № ПФ-4191 ва 2010 йил 2 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори № ПҚ-1293 асосида ташкил этилган Кичик бизнес корхоналари ва хусусий тадбиркорлик Ассоцацияси билан ҳамкорликда фаолият юритиш зарур.

Ушбу масалалар бўйича вилоят Иқтисодиёт Бош бошқармаси, вилоят Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси, вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси ва вилоят савдо-саноат палатаси, бизнес-инкубатор ҳамкорлигида ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР:

1. “Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолияти кафолотлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 14 апрель 1999 йил.
2. “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб- қувватлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни, 25 декабрь 1995 йил.
3.“Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкнинг муҳофазаси ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 21 январь 1994 йил.
4. “Тадбиркорликни, кичик бизнесни ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 9 январь 1995 йил
5. “Хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 1998 йил 9 апрель.
6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
7. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва фаравонлигини янада юксалтириш. – Т.:Ўзбекистон, 2010 . – 80 б.
8. Ш.Зокиров. Германия Федератив Республикасига сафар ҳисоботи. –Андижон. 2010.

Андижон давлат университети,
2010 йил 14 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. О.Зокиров)